

## Сийрат дарслари (138-дарс). Набий алайҳиссалом танага нақш солиш татуировкадан қайтарганлар



16:30 / 28.05.2021 4562

520. Абу Жухайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам итнинг пулидан, қоннинг пулидан қайтарганлар, вашм қилиш ва вашм қилдиришдан, рибо ейишдан ва уни едиришдан қайтарганлар ва сураткашни лаънатлаганлар».

*Бухорий ривоят қилган.*

*Изоҳ: «Вашм» деб танага игна ёки бошқа восита билан расм ёки сўзни ўйиб, хол қўйиш, нақш солиш (татуировка) тушунилади.*

521. Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Эй Аллоҳнинг Расули, бир киши келиб мендан ҳузуримда бўлмаган нарсани сотишимни сўрайди. Унга уни сотайми, сўнгра унга бозордан сотиб олиб бераман», дедим. **«Ўз ҳузурингда бўлмаган нарсани сотма!»** дедилар».

*Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.*

522. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кишининг ўзи эга бўлмаган нарсани сотишига йўл йўқ»**, дедилар».

*Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**